Бир ҳафтада бир китоб Мигел де Сервантес - «Дон Кихот»

// 13.03.2026
https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/bir-haftada-bir-kitob-migel-de-servantes-don-kihot

«Ўзкимёсаноат» АЖ китобхонлик маданиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Бир ҳафтада — бир китоб» рукнини йўлга қўйди. Ушбу рукн орқали жамиятнинг электрон кутубхонасида жамланган ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара намуналарини мутолаа қилишингиз мумкин.

Бугун жаҳон адабиётининг энг нодир асарларидан бири Мигел де Сервантес қаламига мансуб «Дон Кихот» романини тавсия қиламиз.

Испан адиби Мигел де Сервантеснинг қаҳрамони Дон Кихот ёзувчининг ўзидан ҳам машҳур, десак муболаға бўлмайди. Ўз даврининг машҳур рицарлик романларига пародия тарзида ёзилган «Дон Кихотнинг саргузаштлари» асарида реаллик улуғланади. Бу боқий китоб яратилганидан сўнг рицарлик романларининг умри тугаб, реалистик насрга кенг йўл очилди.

Дон Кихот сермуболаға рицарлик романлари мутолаасига муккасидан кетиб, ахийри ўзи ҳам саргузаштлар иштиёқига тушиб қолади. У дунёни, ўз даври ва ҳаётини тубдан ўзгартиришни истайди. Бу йўлдаги уринишлари эса чаппасига айланиб, китобхонда беихтиёр кулги уйғотади.

«Савобли» саъй-ҳаракатлари охир-оқибатда ёмонликка хизмат қилади. Шу маънода Дон Кихот эзгуликнинг омадсиз курашчисидир.

Китобни электрон тарзда ўқиш учун: https://t.me/uks_digital_library/726